

Уни дуоибад қилма!



08:00 / 26.11.2020 3260

Молик ибн Динордан ривоят қилинади: «Бир қўшним бор эди. Фаҳш ишлар билан шуғулланарди. Қўшнилари менинг олдимга келиб, унинг устидан шикоят қилишди. Биз унинг олдига бориб, «Қўшнилари сендан шикоят қилишяпти. Маҳалладан чиқиб кетишинг керак», деб айтдик. У бўлса: «Мен ўз уйимданман, бу ердан чиқиб кетмайман», деб туриб олди.

- Унда уйингни сотасан.
- Уй мени мулким, сотмайман.
- Устингдан султонга шикоят қиламиз.
- Мен унинг яқинлариданман.
- Унда сени дуоибад қиламиз.
- Аллоҳ менга сизлардан кўра меҳрибон!

Биз ноилоҳ тарқалиб кетдик. Кеч киргач, туриб намоз ўқидим ва уни дуоибад қила бошладим. Шу пайт ғойибдан «Уни дуоибад қилма, чунки у Аллоҳнинг дўстларидан», деган овоз келди. Кўчага чиқиб, унинг эшигини тақиллатдим. У мени кўриб, маҳалладан чиқариб юбориш учун келди деб ўйлаб, узр сўраган оҳангда гапира бошлади. Мен унинг гапини бўлиб, чиқариб юбориш учун келмаганимни айтдим. Сўнг бўлган воқеани айтиб бердим. У йиғлаб юборди-да, «Мен ўша қилган ишимдан кейин тавба

қилган эдим», деди. Сўнг шаҳардан кўчиб кетди. Қайтиб уни кўрмадим.

Орадан йиллар ўтиб, ҳаж қилгани чиқдим. Масжидул Ҳаромда бир ҳалқани кўриб, уларга қўшилдим. Қарасам, ўртада ўша қўшним йиқилиб ётибди. Шу пайт кимдир: «Бу йигит вафот этди, Аллоҳ раҳмат қилсин», дейишди. Шундай қилиб, тавба қилгач, унга Масжидул Ҳаромда вафот этиш насиб этди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан